O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

«Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 21-mart • Chorshanba • 36 (27.681) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутадиган Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда.

Мана шу уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи — Наврўз айёми билан сиз, азизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий меҳрим, ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, қизғин олқишлар билан уларга ўз ҳурматимизни билдирамиз.

Биз билан ҳамнафас бўлиб яшаётган узоқ-яқин қўшни мамлакатларнинг халқларига, хорижий ҳамкор ва дўстларимизга эл-юртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йўллаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, энг қадимий, илдизлари олис «Авесто» замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам — шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли , азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ён-атрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади.

Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шиҳоат кириши табиийдир.

Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунини қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу қутлуғ яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаётган одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳиссси пайдо бўлади.

Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади.

Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иқлим охирги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Халқимизда «Яхши одам — қўзидан, яхши йил — Наврўзидан маълум» деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кексаю ёш — барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаётгани бунинг яққол дараги ва тасдиғи бўлғай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз — Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Она замин узра баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик кузатилмоқда: кечагина оппоқ қордан қадди-басти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтлар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди.

Қуёш тандирига ўт қалайди. Унинг қайноқ тафтини соғинган майсалар нафис гиламдек кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзади. Еру кўкда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари намоён бўлмоқда. Ҳамалнинг оламни тутган майин, эркаловчи ифорларидан қалблар энтикади, шўхшан учаётган қалдирғочлар саси юракларда ажиб ҳислар уйғотади. Мудроқ туйғулар жўшқинликка жой бўшатади. Тоғу тошдан шарқираб оқиб келаётган оби ҳаёт сой ва ариқларни тўлдиради — аёзда тин олган чархпалаклар яна айланишга тушади...

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутади. Юқоридаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун асосан давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Жумладан, Фармонда давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағларини 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилган. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Айни вақтда моддий ёрдам тўлаш муддати икки баравар — 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди.

2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фоизга яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун харажатлар умумий бюджетининг 2 фоиздан 5 фоизгачасини ташкил этадиган МДҲнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб оилаларнинг 28 фоизини ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Фармонда эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари риоя этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди. Бу, авваламбор, ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш, моддий ёрдамни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Пенсионерлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилган. Фармонда тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдорини 15 фоиздан 25 фоизгача ошириш, «Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва санитарлар иш ҳақини ўртача 10 фоизга кўпайтириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, ногирон болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш мақсадида «Мурувват» интернат-уйлари тарбиячилари учун иш меъёри 3 баравар, яъни ҳар бир тарбиячи учун 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирилди, бу эса халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради.

Бундан ташқари, 2007 йилдан бошлаб ногиронларга уйда хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар ва педагогларга жамоат транспортида йўл ҳақи харажатлари учун ҳар ойда 12420 сўмдан 18630 сўмгача компенсация тўлаш жорий қилинади. Бу мақсадлар учун 2007 йилда бюджетдан қўшимча 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Ёлғиз фуқаролар, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Фармонда қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу эҳтиёжлар учун, аввал кўзда тутилган маблағларга қўшимча равишда, 9,5 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 5,2 миллиард сўмдан ортиқ, бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан эса 4,3 миллиард сўм ажратилган.

Бундан ташқари, «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларга махсус транспорт сотиб олиш учун аввал кўзда тутилган молиялаш ҳажмларига қўшимча равишда бюджетдан 8,2 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришни таъминлайди, қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларига муҳтож кам таъминланган оилалар ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Бугун халқимиз Наврўзни ота-боболаримиз каби гавжум сайилгоҳларда, қиру адирларда, майдонларда ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда нишонламоқда.

«КЕЛИНГ, АЙЁМНИ БИРГА НИШОНЛАЙЛИК»

— Пойтахтимизнинг кўркам боғ ва хиёбонлари, майдонлари қадимий ва миллий байрамга алоҳида тайёргарлик кўрди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Хусусан, катта ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдик. 500 туп игна баргли кўчат экдик, дарахтларга шакл бердик. Шунингдек, болажонларимиз байрам куни яхши ҳордиқ чиқаришлари учун 20 дан ортиқ замонавий атракционни тўлиқ таъмирдан чиқардик. Бундан ташқари, яқинда 2 та янги майдонча ҳам ташкил этдик.

21 март куни боғимизга ташриф буюрган меҳмонларимиз шоҳмот, шашка, болалар эса варрак учириш бўйича мусобақаларда иштирок этишлари мумкин. Ғолибларга махсус совғаларни ҳам таъсис этганмиз. Умуман олганда, халқимиз байрамни юқори кайфиятда ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратдик.

— Наврўз айёмини кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида пойтахтимиздаги бадиий жамоаларни, халқимиз севган хонандаларни таклиф этганмиз, — дейди боғ бадиий раҳбари Мирзаахмад Содиқов. — Кейинги бир ҳафта давомида театрлашган дастур устида иш олиб бордик. Бугун эрталаб соат 10.00 дан кеч 18.00 гача байрам дастурлари намойиш этилади.

Кеча эса болалар учун жуда катта байрам тадбири ташкил этилди. Унга Чилонзор туманидаги мактаб ўқувчилари, Меҳрибонлик уйи ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини таклиф қилдик.

— Бу йилги Наврўз байрамининг чиройли ўтишида ўз ҳиссамни қўшаётганлигимдан жуда бахтиёрман, — дейди 1-республика тиббиёт коллежи талабаси Гулноза Тойлоқова. — «Болалик Наврўзи» деб номланган спектаклда Раъно ролини ижро этаяпман. Енимда турган Ҳумоюн Орифжонов эса ушбу спектаклда Озод ролини ўйнайди. Умуман олганда, бугунги айём менинг ҳаётимда унутилмас бўлиб қолади. Чунки, катта саҳнага биринчи маротаба чиқаяпман.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

УЛУҒЛАНАЁТГАН НАВРЎЗ

Президент Ислом Каримовнинг мустақиллик йилларида уйғониш, янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табрик сўзларидан

1992 ЙИЛ

«Мустақил Ўзбекистон янги умидлар билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда.

Орзу-армонларимизни, мустақиллигимизни, бизни дунё тан олганини бугун гулга бурканаётган она табиатнинг ўзи кўриб турибди.

Келинг, ҳаммамиз ана шу Наврўз айёмида биргалашиб, қўлни-қўлга бериб, тақдирга яна бир бор раҳматлар айтайлик!

Халқимиз бошидан кечираётган қийинчилик ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Лекин доно ва чидамли, насибаси бутун халқимиз билан бу оғир синовлардан ҳам ёруғ юз билан чиқишимизга ишончим комил.»

2-3-бетлар

УЛУҒЛАНАЁТГАН НАВРЎЗ

1993 ЙИЛ

«Наврўз мустақил Ватанимиз учун айниқса азиз ва қадрли! Чунки биз уни курашиб, қайта қўлга киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврўзни ҳам бадном қилмоқчи бўлдилар, халқни табаррук байрамидан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу ғарази амалга ошмади. Истиқлол шарофати билан халқимиз кўҳна байрамини расмона яйраб тантана қилишга муяссар бўлди. Бу адолатнинг ғалабасидир.»

1994 ЙИЛ

«Шубҳа йўқки, инсон қайси миллату динга, қайси халқу элатга мансуб бўлмасин, у аввалламбор табиат фарзандидир. Асрлар мобайнида шарқ халқлари, жумладан, бизнинг ота-боболаримиз ҳам ушбу гўзал ва фаровон кунни байрам қилиб келганлар. Аммо юртимиз мустақилликка эришгандан бери бу байрам ўзгача теран мазмун касб этиб бораётгани қувончлидир.»

1995 ЙИЛ

«Давлатимизнинг сиёсатига билдирилган ишонч ва хусусан, менинг шаънимга айтилган фикрларни ғоят юксак қадрлайман. Олижаноб халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан. Ва бугунги муқаддас байрам онларида чин қалбимдан айтмоқчиман: бутун умримни, бутун борлиғимни, керак бўлганда жонимни ҳам сизларга, халқимга бахшида этишга тайёрман!»

1996 ЙИЛ

«Бугун Наврўзи олам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Мустақиллик даврида кечирган беш йиллик ҳаётимизга назар ташласак, бу даврнинг Наврўз байрами маъносига, моҳиятига нақадар ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак эканини кўрамиз.

Зеро, Наврўз табиат оламининг уйғониши ва яшаришини англатса, Ўзбекистон истиқлоли халқимизнинг, юртимизнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан уйғониб, камолот касб этиб бораётганини англатади.»

1997 ЙИЛ

«Ўзининг буюк фазилатларига ҳамиша содиқ бўлиб, мураккаб синов даврларида ҳам Наврўздек ноёб урф-одатини кўз қорачиғидек асраб, эъзозлаб келган аждодларимизга ҳар қанча тасанноолар айтсак арзийди, албатта.

Асрлар бўйи, минг йиллар давомида Наврўзи олам халқимизда, ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда энг орзиқиб кутиладиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат куни, баҳор фаслини намоён қиладиган байрам бўлиб келмоқда.»

1998 ЙИЛ

«Азиз биродарлар!

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан бало-қазолар йироқ юради. Аждодларимиз Наврўзи оламни ёруғлик куни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Беморлар, етимесир, кўнгли ярим бева-бечораларга беминнат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳтож бўлганларни зиёрат қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удумини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».

УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради. Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафоат, янгиланиш ва яшариш айёми қалбларга сурур, олам-олам қувонч ва янгидан-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Фасллар келинчаги — баҳорнинг ана шундай фусункор дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз, жаннатмонанд юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун Яратганга шукроналар қиламиз.

20 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 16.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Пурвиқор майдоннинг чор тарафида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинларда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай ажиб манзаралар кўнгилларни тоғдай юксалтиради, томошабинларга хуш кайфият бағишлайди.

Майдон узра майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга қушлар чуғури, жилға-сойларнинг жилдираши — баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Ана шундай сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг хуснмалоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидалари-ю замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Анвойи гуллар кўзларни қувнатади. Булбуллар хониши руҳларга кучқудрат ато этади гўё.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 февралда қабул қилинган «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори боқий байрамимизни муносиб кутиб олиш ва нишонлашга пухта замин яратди. Қарорга асосан юртимизда март ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этилди. Унда маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилди, ариқзовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тадбирларини бажаришга, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади...

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак беради. Ямяшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, лолақизғалдоқдан алвонлашган чўл-биёбонлар кўз олдимизда гавдаланади. Бойчечагу бинафша бўйлари димоқни қитиқлайди, орзиқиб кутганимиз — баҳор ҳавосини сипқориб тўймаймиз...

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Зеро, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар янада ривож топмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди.

Аждодларимиз азалдан байрамда етим-есир, бева-бечора, хаста ва муҳтож, қисқа қилиб айтганда, ижтимоий ҳимояга — бир оғиз ширин сўз ва амалий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи, деб билган. Бундай файзиёб кунларда жамики гина-кудуратлар орадан кўтарилиб, ўзаро самимият, оқибат, ҳамият ва меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам боғланган...

Бугун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Инсон, унинг ҳаёти, орзуниятлари, дарду ташвишлари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. «Ўзбек модели» деган ном билан дунёда тан олинган мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг негизида беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи туриши ҳам ана шундан.

2007 йилнинг давлат бюджетида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори ошди. Бюджетнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари ўтган йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 54,1 фоизга етди. Бу борадаги амалий ишлар жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида машҳур. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асрав-авайлашга қаратилган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» деб таъриф берди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш бўйича Қарорида ушбу меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, у ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди.

Халқимиз доим Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик ва илҳақлик билан қарши олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қир-адирларга чиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонандалар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ичакузди латифа-ю пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбозлар бахси, улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Юртимизда буюк боболаримиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган юртга хурсандчилик, тўй-томоша ярашади. Жорий йилда юртимизда ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади. Самарқанд шаҳри дунё мусиқа ихлосмандларини «Шарқ тароналари»га чорлайди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, мақом ансамбллари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари, майдон саҳнида уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Диёримизда ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг бадиий ижролари қалбларни фахрга тўлдиради. Буларда Наврўзнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол, баралла намоён бўлади.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланди. Юртимизда шу кунларда янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам...

Саҳна томошалари қизиганидан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Баҳорий юмушлар ана шу кундан бошланган, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Асрий анъаналаримизга кўра айни кунларда деҳқонларимиз дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамоқдалар.

Ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик ва ҳалол меҳнат улуғланган юртда барака бўлади. Буни ўтган йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминлангани — ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида хорижий инвестициялар ҳажми 25,4 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган йили 666 ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ янги фермер хўжалиги иш бошлади. Қишлоқда меҳнат кооперацияси янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 агрофирма юзага келди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва янги иш жойлар очиш борасида изчил ўсиш кўзга ташланмоқда. Ўтган йили бевосита меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ортган бўлса, аҳолининг реал даромадлари ўртача 22 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш, хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Бундай ҳаётбахш саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар жамулжамдир...

Саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор қуйқўшиқлари, жозибадор рақслари байрам аҳлини завқлантириб юборади.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиғи доимий эътиборда. Таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга ошириш борасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Ҳаётимиз гуллари бўлган хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Юртимиздаги ҳаётбахш ўзгариш ва янгиланишларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалби, онгу шуурида акс этаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи тўла тасдиқлайди.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг анъаналарини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спорт намояндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз, мамлакатимиз сарҳадлари посбонлари — ҳарбийларимиз ҳозир бўлади.

Ўзбекистон — полвонлар юрти. Истиқлол туфайли ўзбекнинг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун дунёнинг барча қитъаларида ўзбекона яктак кийиб, ўзбекча «таъзим», «ҳалол», «чала», «ёнбош» каби ибораларга риоя этиб кураш тушаётганлар бисёр. Спортчи йигит-қизларимизнинг донғи қитъаларо ёйилмоқда, уларнинг ғалабаси шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли минг-минглаб спортчилар етишиб чиқмоқда. Муҳими, руҳи тетик, илиги тўқ, билаги бақувват авлод вояга етмоқда. Мардонавор ғалабалари билан юртимиз шуҳратини овоза қилган спортчиларимиз, шеркелбат ҳарбийларимиз — Она-юрт ҳимоячилари билан фахрланамиз.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга мушакбозлик уланиб кетади...

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб жой олган турли қандолат, нозне-ъматлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари расталарида ҳаёт қайнайди. Қўли ширин пазандалар дошқозонлардан ҳовури таралиб турган сумалак, ҳалим, палов сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Президент Ислом Каримов ярмаркага қўйилган ҳунармандлик маҳсулотлари билан танишди...

Юртимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида — барча гўшаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Озод ва обод юртимизга хуш келдинг, уйғониш, яшариш, янгиланиш ва меҳр-оқибат айёми! Қадимий байраминг — Наврўзи олам муборак бўлсин, Ўзбекистоним!

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси
А.ТЎРАЕВ, Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган суратлар

МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласи гузарида эрта тонгда янграган карнай-сурнай садолари барча-барчани Наврўз шодиёналарига чорлади. Дошқозонларда сумалаклар тайёрланди, паловлар дамланди. Ёшу қари байрам тантаналарига ташриф буюрди. Маҳалла аҳли яшариш, янгиланиш айёми бўлмиш Наврўзи оламни кўтаринки кайфият билан қарши олдилар. Улар байрам арафасида бирлашиб, теварак-атрофни ободонлаштирдилар, 400 тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахтлар, анвойи гул кўчатлари ўтқаздилар.

Тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғани Азизов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни айём билан табриклади. Шундан сўнг маҳалла ҳудудида жойлашган 186-ўрта мактаб ўқувчилар ўзлари тайёрлаган бадиий дастурни намойиш этишди.

Байрам муносабати билан маҳалла ҳудудида яшовчи кексалар, беморлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун мазкур маҳаллада 6 мингга яқин аҳоли аҳил ва иноқликда, тинч ва осойишта умргузаронлик қилишмоқда.

Умида МАНСУРОВА

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ҳамал нафаси ила ўлкамизга кириб келган Наврўзи олам кўнгилларга олам-олам қувонч бахш этмоқда. Барча гўшаларда бўлгани каби Навоий вилоятининг шаҳару қишлоқларида ҳам бугун чинакам байрам нафаси кезмоқда. Вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа, Учқудуқ, Томди, Конимех, Нурота туманларида Наврўз, кўклам сайллари ўзгача бир руҳ билан нишонланмоқда. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, «Фарҳод», «Ширин» маданият саройларида эса турли хил кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

— Куни кеча вилоятнинг етакчи корхоналари ҳисобланмиш «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Электрокимё»да байрам тадбирлари бўлиб ўтди, — дейди Навоий шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Шунингдек, шаҳарнинг барча маҳалла ва гузарларида ҳам Наврўз зўр тантана қилинмоқда. Кам таъминланган оилалар, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга айём муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бугун пиру бадавлат отахонлар мана шундай осойишта кунларга шукроналик билдиришмоқда. Улар юртимизга қут-барака тилаб, дуо қилишмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

УЛУҒЛАНАЁТГАН НАВРЎЗ

1999 ЙИЛ

«Бугунги мўътабар айёмда мана шу нуфузли минбардан туриб, сиз азизларнинг номингиздан бутун дунё аҳлини ишонтириб айтмоқчиман:

Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз.

Озод Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бугунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўролмайдиганлар билсин: халқимизни бу улуғ ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди!»

2000 ЙИЛ

«Наврўз айёмида одамзот ҳаёт абадийлигини, умрнинг мазмун-моҳияти, савоб ва эзгу ишларнинг қадр-қимматини айниқса теран англайди.

Офтоб ерни қиздириб, кўклам шабадалари эсганда, дарахтлар куртак очганда одамнинг юрагида мудраб ётган саховат, шафқат, меҳр-оқибат туйғулари уйғонади.»

2001 ЙИЛ

«Бундан минг-минг йиллар аввал, ўша «Авесто» яратилган замонларда ҳам ота-боболаримиз бу улуғ айём кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, беполён Турон далаларида табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар.»

2002 ЙИЛ

«Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дўсту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик.»

2003 ЙИЛ

«Баҳорнинг келиши одам зотига Аллоҳ берган умрнинг кўп-кўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади...»

2004 ЙИЛ

«Ҳеч шубҳасиз, Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган бу йилимизда бундай чин қалбдан чиқадиган, холис ва олижаноб, пок ниятлар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси инсоннинг юрагида акс-садо топади ва шу тилакларнинг ижобат бўлиши, диёримизни янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.»

2005 ЙИЛ

«Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз «Сиҳат-саломатлик йили»нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмоқда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда... аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, иншооллоҳ.»

2006 ЙИЛ

«Юртимизда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаганимиз, шу муносабат билан кенг миқёсда амалга ошираётган режа ва дастурларимиз одамларга беминнат яхшилик қилиш, беғараз ҳомийлик кўрсатиш, инсон дардига шифо бериш сингари Нав-рўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан ҳамоҳанг экани айниқса эътиборлидир.»

❖ **Партиямиз фаоллари**

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК

ЎзХДП АЪЗОСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЗУН ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МАСТУРА МАЪМУРЖОНОВАНИНГ ЭЛ-ЮРТ ЎРТАСИДАГИ ҲУРМАТИНИ ОШИРМОҚДА

Ҳозир одамларни қуруқ гап билан ишонтириш қийин. Амалий ишлар бўлсагина ишонадилар ва эргашадилар. ЎзХДП фаоли, депутат Мастура Маъмуржонова бу ҳақиқатни бошидан кўп ўтказган. Шунинг учун ибратли ишлар, ташаббуслар билан одамлар ишончини қозонишга ҳаракат қилади. Айниқса, мактаб, муаллимлар ва сайловчилар манфаатига доир бирор масалани ҳал этиш зарурати туғилса, Мастура қараб турмайди. Муаммони тез ҳал қилишга ҳаракат қилади. Ана шундай қатъиятли, ишчан, ўз кучи ва билимига ишонган лидерлар ортидан одамлар эргашиши табиий, албатта.

Мастурадан ибрат олиб педагогларнинг 16 нафари ўз истаклари билан ЎзХДПга аъзо бўлишди. Мастура партиянинг дастурий мақсадлари, партия электорати ҳисобланган педагог ходимларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича олиб бораётган сиёсатидан жамоани хабардор қилиб келаяпти. ХДП туман кенгаши томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этади, ўзи ҳам турли тадбирлар уюштиради.

Мастура Маъмуржонова Узун туманидаги 1-мактабда меҳнат қилади. Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари. Ўқувчиларнинг хулқи, тарбиясига жавобгарлик, жамоат ишларида иштирок этишини таъминлаш, дарсдан бўш пайтларини мазмунли ўтказиш, тўгараклар ишини назорат қилиш — буларнинг ҳаммаси Мастуранинг гарданида.

Ўқитувчиларнинг кўпи, айниқса, аёллар дарсини ўтиб, кейин уйларига шошишади. Мастура ҳам ишдан сўнг тезроқ уйига кетаверса, дам олса, рўзғорига кўпроқ вақт ажратса, эртанги машғулотларга тайёргарлик кўрса бўлади. Лекин у фақат ўз шахсий манфаатинигина ўйламайди, бошқалар ташвиши билан яшашга ўрганган, одатланган. Ҳамиша одамлар орасида бўлсам дейди. Шу боис ҳам у «Янги рўзғор» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзоси қилиб сайланди.

«Янги рўзғор» катта маҳалла. 5000дан ортиқ аҳоли яшайди. 1375 оиланинг ташвиши, муаммоси ўзига етарли. Оилаларда юз бериб турадиган турфа низолар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначиликни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишда ҳам Мастурахон фаоллик кўрсатади.

Тумандаги Ж.Пирназаров номли фермерлар уюшмасида узоқ вақт трактор ҳайдаган Муҳаммаджон Исмоилов оғир бетоб бўлиб, охирги беш йил умуман ишга ярамай, маҳалла кўйга ҳам аралаша олмай қолганди... Мастура маҳалладаги хонадонларга бирма-бир кириб, Муҳаммаджонни даволатиш учун маблағ тўплашни ташкил этди. Бунга фаоллар, кўчабошиларини ҳам жалб қилди. Хўжалик машинатрактор паркига бориб Муҳаммаджоннинг ҳамкасбларига мурожаат этди.

Маҳалладошлар Муҳаммаджон Исмоиловни Тошкентдаги шифохоналардан бирига даволанишга юбордилар. Касалхонадан отдай бўлиб қайтган Муҳаммаджон энди ҳар куни дуога қўл очганда Мастурага, маҳалладошларига эсонлик-омонлик тилайди.

Мастура Маъмуржонова яшайдиган собиқ Ж.Пирназаров номли ширкат хўжалиги тарихи бой, аҳолиси, қишлоқлари кўп хўжаликлардан. Аввал ишлаган раҳбарлар саъй-ҳаракати билан анча йил илгари хўжаликнинг тарихий музейи барпо этилган. Музейнинг экспонат ва жиҳозлари кўплиги учун катта бир бинога жойлаштирилган. Хусусийлаштириш бошланган кезларда музей биноси ҳам сотилган. Ҳеч ким музей билан қизиқмади. Бу ҳолга ачинган Мастура музей жиҳозларини уйига олиб кетди. Ширкат раҳбарларидан музейга жой ажратишни сўраб боравергач, уч йил деганда маданият саройининг бир четидан жой беришди. Ҳашар йўли билан маданият саройининг икки хонаси мослаштирилиб, музей қайтадан ташкил этилди. Яқинда ушбу музей туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилди.

Унинг аралашуви ва ёрдами билан бултур ҳомийлар кўмагида қишлоқдаги бир неча кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Мактабда ўқийдиган 10 нафар ногирон бола, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига байрамларда совғалар улашилади. Замонамизнинг фаол, жонкуяр аёли совғаларга маблағ топишнинг йўлини билади. «Янги рўзғор»да тадбиркору ишбилармон фермерлар кўп. Мастура уларга мурожаат этади. Улар ҳам ёрдамларини аяшмайди.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да маҳалламиз фаоллари билан маслаҳатлашиб, кам таминланган оилаларга имкон қадар амалий ёрдам беришни мақсад, вазифа қилиб қўйганмиз, — дейди М.Маъмуржонова.

Мастура яна бир хайрли ишни бошламоқчи. «Янги рўзғор»да санъатсевар аёллар кўп. Етарли маблағ топиб, дутор, танбур, доира ва бошқа асбоб-анжомлар харид қилиб, аёлларнинг фольклор ансамблини тузмоқчи.

— Ўйлаб кўрсам, ҳар йили маҳалламизда юздан зиёд тўй, турли қувончли кунлар, байрам шодиёналари ҳамда юбилейлар ўтказиларкан, — дейди Мастура. — Фольклор дастамиз билан шундай тадбирларда хизмат қилсак, топган маблағимиз ҳисобидан қишлоқдаги ногиронлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга совғалар улашиб турсак, деган ниятим бор...

Албатта, Мастура Маъмуржоновага партиядош ҳаскасбларги ва дугоналари, «Янги рўзғор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги фаол аёллар, хусусан ЎзХДП Узун туман кенгаши раиси Комуна Шамиева, фаоллардан Гулсара Холматова, Зулхумор Ниёзова, Маҳбуба Бахриддиновалар яқиндан ёрдам беришмоқда. Атрофида қўллаб-қувватловчилари, ҳамфикрлари кўплиги унга кучғайрат бағишламоқда.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекисон овози» мухбири

❖ **Халқаро кўргазма**

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, саломатликни мухофазалаш омилларининг 70-80 фоизи инсоннинг соғлом тишлари ҳиссасига тўғри келаркан. Албатта, ҳамма ҳам тишлари бақувват, оппоқ, садафдай жилваланиб туришини хохлайди. Аммо ҳамманинг ҳам тишлари соғлом бўлавермайди. Шу боис тиббий муолажага муҳтож, стоматолог хизматидан фойдаланишга мажбур бўлади.

Жаҳонда тиббиётнинг бошқа соҳалари сингари стоматология ҳам жадал ривожланиб бораяпти. Дунё бозорига йилдан-йилга замонавий асбобускуналар ишлаб чиқарилаяпти. Республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги стоматология соҳаси ривожига алоҳида аҳамият қаратаяпти. Айниқса, хорижий мамлакатлар билан халқаро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

Яқинда пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазма залида «Dental Salon Uzbekistan» — стоматологларнинг III халқаро форуми бўлиб ўтди.

Унда дунёнинг тўққизта давлатининг 20 дан ортиқ стоматология компаниялари қатнашди. Анжуманнинг очилиш маросимида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош стоматологи, Тошкент тиббиёт академиясини ортопедик стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидамин Аъзамхўжаев ўз маърузасида:

— Кўргазмани ташкил қилишдан мақсад республика стоматологларини стоматология соҳасидаги янги, илғор технологиялар билан хабардор қилиш. Айниқса, стоматология касалликларига ташхис қўйиш, олдини олиш ва даволашда энг замонавий технологияларни қўллаш тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини оширади. Ҳозирги кунда республикамизда етти минг нафарга яқин мутахассислар эл соғлигини муҳофазалашда баҳоли қудрат меҳнат қилишмоқда. Шуни унутмаслигимиз керакки, соғлом тиш — соғлигимиз гарови, демакки, соҳанинг тараққиёти халқ соғлигини ҳимоялашнинг бош омилларидан биридир.

Дарҳақиқат, «Dental Salon Uzbekistan» стоматология соҳасида республикамизда ўтказилаётган нуфузли кўргазмалар бош ташкилотчиси ҳисобланади. Айниқса, III Халқаро стоматология форуми кўргазманинг тиш техникалари учун анжомлар ва хом-ашёлар, дентал имплантология учун тизимлар ва асбоб-ускуналар, тиш пластикаси ва юз-жағ жарроҳлиги учун маҳсулотлар ҳамда асбоблар, стоматология мебеллари, оғиз бўшлиғи гигиенаси учун маҳсулотлар, дентал анестезиология каби бўлимлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмага ташриф буюрган стоматологлар ўзларига ҳамкорлар топиб, шартномалар имзолашмоқда.

II павильонда Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли стоматология поликлиникаси ортопедия бўлими мудири Асад Файзиевни учратдик.

— Иккинчи бор форумда қатнашяпман. Ўтган II форумда россиялик ҳамкорлар билан шартнома имзолагандик, ортопедия ускуналарини келтирдик. Бу йил ҳам янги шартномалар имзоладик. Халқаро форумлар биз стоматологларга жуда катта фойда беради. Жаҳондаги янги технологияларнинг кириб келиши, аввало, аҳолига стоматологик хизмат турларини кўпайтириш, сифатини оширишимизга туртки бўлаяпти. Билим ва тажрибамиз ортяпти.

«ZarExpo» компанияси кўргазма доирасида илмий-амалий конференцияларни ҳам ташкил этди. Унда Германия, Исроил, Швейцария, россиялик ҳамда республикамизнинг етакчи олимлари стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича маърузалар ўқидилар. Илмий-амалий конференция доирасида исроиллик таниқли имплантолог Илья Мушеев пойтахтимиздаги «Denta med+» клиникасида имплантологик тиш-жағ жарроҳлигини амалга оширди.

Дарҳақиқат, ушбу анъанавий халқаро форум республикамиз стоматология соҳасида муҳим воқеага айланди. Аҳоли сиҳат-саломатлигини ҳимоялаш ҳамда стоматологик хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда унинг аҳамияти катта.

Саида САЙҲУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ **«Ижтимоий ҳимоя йили»га ҳамоҳанг ишлар**

МЕҲР-ОҚИБАТ ТАДБИРИ

Байрам арафасида ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг қайта таъмирланган биноси шўх-шодон болалар билан гавжум бўлди. Бунинг боиси бор, албатта. Шаҳар партия кенгаши қатор ҳомийлар кўмагида кам таъминланган оилаларнинг ўн нафар боласининг тўйини ўтказди. Наврўз тантаналари билан уйғунлашиб кетган бу тадбирда сўз олганлар партиямиз дастурий мақсадларидан бири бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш йилимиз муддаосига ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидладилар.

Қўшалоқ шодиёнада тўй болаларга байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. «Бухоро озиқ-овқат саноати» масъулияти чекланган жамияти, «Заркон» корхонаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан совғалар топширилди. Болалар халқимизнинг қадимий байрамини улуғловчи қўшиқларни айтдилар, рақсга тушдилар.

ЎзХДП фаолларининг бевосита иштирокидаги худди шундай тадбир Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. 6,5 минг аҳоли яшайдиган йиғин ҳудудида яшовчи 50 нафар кам таъминланган оила аъзоларига Наврўз совғалари улашилди. «Машкурабону» масъулияти чекланган жамият томонидан тўпланганларга байрам дастурхони ёзилди.

— Бундай тадбир, — дейди маҳалла фаоли Мардон Назаров, — халқимизни жипслаштирибгина қолмай, балки жамиятимизда сафдошларимиз фаоллигини таъминлайди, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни янада кучайтиради. Шу боис Наврўз ҳамиша қадрланиб келинган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

САНКЦИЯ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Европа Иттифоқи Белорусия маъмуриятининг 34 нафар мансабдор вакилига, шу жумладан, республика президенти Александр Лукашенкога нисбатан ўтган йил апрелда жорий этган тақиқлов санкциясини бекор қилмади. Аксинча унинг муддатини 2008 йил 10 апрелгача узайтирди. Унга кўра, бу шахсларнинг Европа Иттифоқи ҳудудига кириши тақиқланади.

Маълумки, 2006 йил мартда Белорусияда президент сайлови бўлиб ўтган ва мамлакат президенти Александр Лукашенко давлат раҳбарлигига қайта сайланган. Бироқ Европа Иттифоқи маъмурлари фикрича, бу сайловда демократик тамойилларга риоя қилинмаган. Шунинг учун Европа Иттифоқи Белорусия корчалонларига нисбатан санкция жорий этган, дейилади «EUobserver.Com» сайтидаги хабарда.

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Миср Халқ мажлиси (парламенти) мамлакат президенти Ҳусни Муборак томонидан илгари сурилган Конституцияга ўзгартишларни кўпчилик овоз билан маъқуллади. Мухолифат эса қаршиси чиқди, бироқ улар камчилик эди.

Миср маъмурияти тасдиқлашича, Конституцияга 34 та ўзгартиш киритилмоқда. Ушбу конституциявий ислоҳот мамлакатни демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Конституциянинг ўзгартишлар киритилган мазкур лойиҳаси бўйича апрель ойида умумхалқ референдуми ўтказилади. Мухолифат эса референдумга бойкот эълон қилиш учун ташвиқот ишларини олиб бориши ҳақида баёнот берди.

НОМЗОДЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Франция Конституциявий суди мамлакат президентлигига номзодлардан 12 нафари расмий рўйхатдан ўтганлигини маълум қилди. Улар шу йил 22 апрелда бўлиб ўтадиган президент сайловида номзод сифатида иштирок этадилар.

Номзодлар орасида социалистлар вакиласи Сеголен Руаял, «Франция демократияси учун» уюшмаси етакчиси Франсуа Байру ва мамлакат ички ишлар вазири Никол Саркозилар бор. Шунингдек, апрель сайловларида «Миллий фронт» партияси етакчиси Жан-Мари Ле Пен ҳам номзод сифатида қатнашади. У 2002 йилги сайловларнинг иккинчи турида ҳозир амалдаги президент Жак Ширакка ютқазиб қўйган.

САЛКАМ 20 ТОННА-Я!



Панама полицияси Американинг гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармаси агентлари билан ҳамкорликда ўтказган рейди пайтида Тинч океани қирғоғида турган кемада 19,4 тонна кокаин гиёҳвандлик моддаси борлигини аниқладилар ва кемадаги 12 кишини қўлга олдилар.

«Associated Press» ахборот агентлиги хабар беришича, ушбу кема Панама байроғи остида ҳаракатланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Тинч океанининг Панамадаги қирғоқлари кейинги пайтларда «наркобаронлар»нинг Колумбиядан АҚШга кокаин етказиб берувчи «базаси»га айланиб қолган. Полиция томонидан ўтказилган рейдлар натижалари буни тасдиқламоқда.

Умуман, Тинч океани қирғоқлари ҳудудида тез-тез рейдлар ўтказилиб турилади. Жумладан, шу йил 15 февралда Испания ва Португалия полицияси ҳамкорликда 5 тоннадан ортиқ кокаинни олиб кетаётган 10 кишилик жиноятчилар гуруҳини қўлга олишга муваффақ бўлган. 27 январь куни эса Венесуэлада ўтказилган операцияда 1,5 тонна кокаин мусодара этилиб, йўқ қилинган.

❖ **Банк ва мижоз**

ШИНАМ УЙ-ЖОЙ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

«ИПОТЕКА БАНК» АТИБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Самарқандлик Фурқат Шукуров оиласи билан торгина уйда яшар, янги уй сотиб олиш ёки қуришга қўли калталик қиларди. Тўғриси, шуларни ўйлаб боши қотиб юрарди...

Бундан роппа-роса 2 йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилингач, Шукуров қувониб кетди. Чунки, уй-жой шароитини яхшилаб олишига имкони туғилдиди. Қарорда шундай сатрлар бор эди: ***«Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш мақсадида «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банки акциядорларининг мазкур банкларни бирлаштириш ва улар асосида «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин».***

Ўтган йили кўплар қатори Фурқат Шукуров «Ипотека банк» АТИБнинг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилди. Банк ходимлари вазиятни ўрганиб ва имкониятларни ҳисоблаб чиқишгач, унга кўп қаватли бинодан 3 хонали квартира сотиб олиш учун 14,4 миллион сўм узоқ муддатли ипотека кредити ажратишди.

Банк филиали хизматидан ўшанда яна бир юртдошимиз — Муллажўра Набиев ҳам бахраманд бўлди. Унга кўп қаватли уйдан 2 хонали квартира олиш учун 8 млн. сўм имтиёзли ипотека кредити берилди.

Ўтган икки йил ичида филиалда якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизими кенг жорий этилди. Аҳоли учун турар-жойлар барпо этувчи хўжалик юритувчи субъектлар кредит олиши тезлашди. Жумладан, замонавий, тежамли, бозорда харидоргир ҳисобланган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам вақтида имтиёзли кредитлар ажратила бошланди. Ўтган йили банк ўз маблағлари ҳисобидан уй-жой сотиб олиш учун аҳолига жами 80 млн. сўм узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратди. Бугунги кунда мижозлари сони 3864 нафардан ошди. Кичик бизнес субъектларининг ўзи 1495 та бўлди. 2006 йил давомида 5 млрд. 128,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, шундан кичик бизнес субъектларига 3 млрд. 550 млн. сўм йўналтирилди.

Банк жами кредит қўйилмаларининг 45 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини бошлаши ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланди. Бугунги кунда вилоят тадбиркорларига бизнес фаолият билан шуғулланишлари учун яратилган имкониятлардан яна бири кичик бизнес субъектларини Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки билан ҳамкорликда микрокредитлаш бўлаяпти. 2006 йилда ЕТТБ билан ҳамкорликда бундай микрокредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш мақсадларига қаратилди. Филиал жамоаси Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг япон-ўзбек кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш (J-USBR) дастури бўйича микрокредитлаш ишларини бошлаганига анча бўлди. Дастур бўйича 2006 йил давомида 448 та кичик бизнес субъектларига жами 3290 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банк ўз соф фойдасидан ажратмалар ҳисобига ташкил этилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси уч нафар мижозга 30 млн. сўмлик маблағ ажратди. Натижада, кичик бизнес субъектларида 1250 та янги микрокредитларни айниқса, қишлоқ жойларида, фермер ва деҳқон хўжаликларида кенг оммалаштирди. Шу аснода, қишлоқда бозор муносабатлари ривож олиб, янги мулкдорлар синфи шаклланиб бормоқда.

Ўтган йили давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёсини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари банк томонидан ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаландилар. Натижада улар давлатга 3828 тоннадан зиёд дон, 4660 тоннадан кўп пахта топширишга эришдилар.

2006 йилда банкда давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони иш ўринлари барпо этилди. Хусусан, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 2006 йилда жами 118,2 млн. сўмлик маблағ берилди.

Банк барча молиялаш манбаларини жалб этиб, 166,5 млн. сўмлик 187 тани ташкил этиб, уларга ажратилган кредитлар миқдори жами ғалла учун 164,6 млн. сўм, пахта учун 577,7 млн. сўмга етди.

Аҳолидан омонат ва коммунал тўловлар қабул қилиш мақсадида одамлар гавжум жойларда (бозор, савдо марказларида) 8 та минибанк ва 21 та махсус жамғарма кассалари очилди. 2007 йил 1 февраль ҳолатига омонатчилар сони 16 минг нафарга кўпайиб, омонат қолдиғи 1053,7 млн. сўмдан ошиб кетди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш, чакана савдода, коммунал ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда пластик карточкалардан фойдаланиш мақсадида вилоятда 58 та терминал савдо нуқталари ва коммунал тўловлар қабул қилиш пунктлари ўрнатилди. Улар ҳозиргача аҳолига 16400 дан зиёд пластик карточкалар тарқатди.

«Ипотека банк» АТИБ Самарқанд вилоят филиали жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да мижозларга янада кўпроқ, самаралироқ хизмат кўрсатишнинг янги-янги қирраларини изламоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

❖ Кўҳна оҳанглар

«ЛОЛА ГУЛ АЛВОН-АЛВОН»

Зукко момолару ижодий салоҳияти юксак отахонлар ижросида Наврўз оҳангларини ҳеч берилиб тинглаганмисиз? Уларда бу умрбоқий айёмнинг минг йиллар қаъридан бизгача етиб келган ҳаётбахш туйғулари жилваланади, томирида аждодларнинг теран қадриятларини сақлаб келаётган донишманд халқимизнинг кўҳна удумлари беқиёс тарзда тараннум этилади. Шу боисдан бўлса керак, бундай айтимларни эшитганда дилимиз завқу ҳаяжонга чулғанади. Бутун вужудимизда кўкламги уйғонишни, баҳорий гўзалликни ҳис қила бошлаймиз.

Йил бўйи шоирларга илҳом, бахшиларга мадад, санъаткорларга куч берувчи бу илоҳий байрам, одамларга қувват берувчи бу сурурбахш оҳанглар қатларидаги сеҳр шунинг учун ҳам умрбоқийдир.

«Лола гул алвон-алвон,
Сумалак берар дармон.
Сумалак етмай қолган,
Бир умр қилар армон.»

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Тўрғай» фольклор дастаси репертуарида бундай оҳанглар талайгина. Мустақиллигимизнинг илк йилида ташкил этилган ушбу гуруҳнинг номланишида ҳам Наврўзга хос рамзийлик бор. Шу ҳудудда яшовчи кишилар баҳор келиши билан кимда-ким айём кунларида биринчи бўлиб тўрғайни кўрса ва унга бир сиқим тупроқ тутса, йил давомида ўша кишининг ризқу насибаси бутун, оиласи тинч ва сиҳат-саломат бўлади дейишади...

«Юртим боғига тўрғай
Сайрагани келибди.
Сиҳат ва саломатлик
Тилагани келибди.»

Фольклор-этнографик гуруҳ ижросидаги бир қатор халқ қўшиқ ва термалари бугун юртимиздаги қатор дасталар томонидан ҳам куйланади. Ушбу ҳудудга хос айтишув ва урф-одатларни қайта тиклашда ҳам ижодий гуруҳнинг изланишлари ўзига хос. Бу айтимларни бадиий қадриятлар даражасида куйлаб келаётган жамоа ушбу йўлда талай натижаларга эришиб, қатор кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритди.

Қувонарли жиҳати, даста ушбу кўрик-танловлар билан чекланмасдан, халқимиз меросининг ажралмас қисми бўлган бу кўҳна қўшиқ ва лапарларни жаҳон саҳнида ҳам намойиш этиб келмоқда. 2005 йилда Хитойда ўтказилган халқаро туризм фестивалида юртимиздаги Наврўз шодиёналарига хос бадиий чиқишларни ҳамда байрам таомлари ва миллий халқ ўйинларини намойиш этган «Тўрғай» гуруҳи «Энг яхши саҳна кўриниши» номинацияси бўйича ғолиб бўлганди.

Шу ўринда вилоятда ўз ижодининг серқирралиги, баҳорий ўйинлари ва бошқа қадимий удумларга бойлиги билан аждоралиб турувчи жамоалардан бири — «Чашма» фольклор-этнографик дастасининг ҳам Наврўзга хос одатларимизни тарғиб қилишдаги хизматлари катта. Бу гуруҳ Қурама тоғлар этакларидаги қишлоқлардагина сақланиб қолган айрим халқ ўйинлари ва удумларини Наврўз байрами кунларида саҳнага олиб чиқади.

Шундай ўйинлардан бири «Тоғора» ўйинидир. Бу удум нафақат вилоятда, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам камдан-кам учрайди. Унда ёши катта аёл ва бўйи етган қиз қатнашади. Иштирокчилар ёшига қараб, катта ва кичик тоғорани бошига қўйиб, устидан ўн икки чоракли попукли рўмол ёпишади. Ўзларини танитмаслик учун юзларига бирор мато бўлагини тутиб олишиб, таёққўл ясайдилар. Эгниларига енги кенг ва узун либос кийишиб, шу ҳолатда даврада рақсга тушадилар.

Ушбу ўйинда ўзига хос рамзий маъно бор. Унга кўра, катта тоғора «кийиб» олган аёл, яъни она шу кўклам — Наврўзи оламдан бошлаб уйрўзғор ишларидан қутулганини, қизи ёнига кирганидан хурсандлигини билдирса, ёш қиз вояга етганини ва янги бир хонадон тоғорасини қўлга олишга тайёр эканини билдиради. Шундан сўнг даврада айтишувлар бошланади...

Жасур ҲУСАНОВ

ШУКРОНА

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Меҳр отлиғ майсанинг юзин очди кўкламой,
Гул бўлсин деб куртаклар кўзин очди кўкламой,
Бошимиздан булбулнинг сўзин очди кўкламой,
Дилларнинг хуш дуога тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Ой экан, офтоб экан осмоннинг ишонгани,
Дунёга келсанг арзир бир гулни тушунгани,
Бойчечак кулгусига бир нафас бойланг мани,
Ҳовучларим ёмғирга тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Ўтган кунинг кетган қуш — қанотини кўрсатмас,
Пойингдаги майса ҳам фарёдини кўрсатмас.
Қалдирғочлар ҳеч қачон, ҳеч кимсани қақшатмас,
Айвонларинг шу қушга тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Қутлуғ куннинг қадрини қутлаганлар билгайлар,
Бир мискиннинг бағрини бутлаганлар билгайлар,
Кўклам юзин кўрганлар куртаклардек кулгайлар,
Толеимиз ҳур элда кулганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона!

ҚУЁШЛИ ЭЛ ҚУВОНЧИ

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Ҳайиткўл кенгликларида бўлиб ўтган Наврўзи олам тантаналарида нафақат вилоят аҳли, балки қўшни Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарёдан келган полвонлар, чавандозлар иштирок этишди. Яқинда туман ҳокимлиги сайъ-ҳаракати билан бу ерда жуда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада етмиш мингга яқин томошабин мазкур шодиёнани бемалол кўриш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулсанам Мамазоитова ва Тожибар Азизова ўзларининг Ватан, Наврўз, баҳор, ёшлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлари билан меҳри, қалби дарё воҳа аҳлига олам-олам қувонч ҳадя этди. «Қаҳ-қаҳа» гуруҳи, халқ бахшиси Шомурод Тоғаев ва «Чироқчи чироқлари» фольклор дастасининг чиқишлари байрамга янада файз киритди. Театрлашган саҳна кўринишлари эса қатнашчиларга байрамона кайфият улашди.

Наврўз шодиёналарига кўпкари, кураш мусобақалари уланиб кетди. Буни қарангки, байрам томошалари тугагач, баҳорнинг ёқимли ёмғири яна Қашқадарё кенгликларини, кўкка бўй чўзаётган майсаларини тўйинтирди. Бу эртага ризқ, барака дегани. Наврўз тантаналаридан, табиатнинг ёқимли лаҳзаларидан куч-қувват олган кишиларнинг орзулари ушалиб, хирмони кўкларга бўй чўзишига, қуёшли элнинг қувончи бардавом бўлишига ишонамиз.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
журналист

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Сурхон заминида баҳорнинг даракчиси бойчечак бўй чўзди. Ўриклар оппоқ, харир либосга бурканди. Наврўз келди...

Термиз шаҳридаги амфитеатр мажмуасида Наврўз зўр кўтаринкилик, шоду хуррамлик руҳида нишонланди. Унда нафақат воҳа аҳли, балки қўшни давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

Тантаналарда вилоят ҳокими Абдуҳаким Эшмуродов Сурхон аҳлини баҳор, янгиланиш ва яшариш фасли — Эзгулик шодиёнаси билан қутлади. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталди.

Шундан сўнг театрлаштирилган томошалар, байрамона безатилган, гулу чечаклар, анвойи безак ва суратлардан баҳор таровати, бўйи уфуриб турган амфитеатр куй-қўшиқлар, шеъру рақслар янграётган томоша масканига айланди. Баҳор, Наврўз, Ватан, юрт, меҳнат ва шон-шараф ҳақидаги қўшиқлар янгради, рақҳоса қизлар рақсидан, йигитларнинг деҳқонча ва чавандозча чаққон ўйинларидан, терма ва лапарлар, чанқовуз, дўмбира, доира садоларидан диллар шодликка тўлди.

Наврўз тантаналари вилоят марказидан бошланиб, воҳанинг шаҳар ва туманлари маданият ва истироҳат боғларида, жамоалар, маҳаллалар, хонадонларда давом қилиб, инсонлар қалбига шодлик, эзгулик бахш этмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

❖ Наврўз қўшиқлари

БОР-ҲО, КЕЛ-ҲО!

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ ТАРАННУМ ЭТИЛГАН ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

Асрлар бўйи эзгуликка ошно дилларга баҳорий янгиланиш, яратувчилик ва табиатнинг бокира гўзаллиги билан уйғунлашиш кайфиятини бахш этиб келган Наврўз байрами халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини куйловчи қўшиқчи, лапарчи, бахши-шоирларга ҳам бениҳоя улкан руҳий-маънавий қувват-куч берган.

Шу боис халқ оғзаки бадиий ижодиётида Наврўз байрами билан боғлиқ кўплаб қўшиқ, терма ва ашулалар юзага келган. Бундай тафаккур дурдоналарида Йилбоши байрами бахш этган саодатли кунлар сурури мадҳ этилади. Қўйида халқимиз томонидан Наврўз байрамида ижро этиб келинган қадимий қўшиқлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЖАРЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Бор-ҳо,
Кел-ҳо,
Ҳамалим, ҳа,
Амалим, ҳа,
Сайил бейда,
Тезда етиб кел,
Ўйнагани кел,
Кулгани кел,
Тортишгани кел,
Беллашгани кел,
Келмасанг ҳам кел-о-о-о!

Бор-ҳо,
Кел-ҳо,
Ҳамалим ҳа,
Амалим ҳа,
Сайил бейда,
Тезда етиб кел,
Отда учиб кел,
Жойни топиб кел,
Сайилни топиб кел,
Куйлагани кел,
Сўйлагани кел,
Қувнагани кел-о-о!
Жарчилар қичқирар,
Ҳо-ҳо-лаб чинқирар,

Бор-ҳо,
Кел-ҳо,
Эшитмадим, деманглар,
Эшитганлар кетманглар,
Сайил-томоша бошланур,
Кўрганлар дармонда,
Кўрмаганлар армонда,
Бор-ҳо,
Кел-ҳо!

ЖАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚҚА

(«Зомин сайқали» фольклор-этнографик жамоаси ижросида ёзиб олинган халқ қўшиғи)

Омон, омон, омон-а,
Қандай бахтли замона,
Наврўзимнинг шуҳрати,
Кетти турли томона,
Жақида ҳақида ҳаққа,
Бақида ҳақида ҳаққа.

Гулим бору, гулим бор,
Боғимда булбулим бор,
Толеимдан ўргилай,
Зоминдайин элим бор,
Жақида ҳақида ҳаққа,
Бақида ҳақида ҳаққа.

Юртим бахтин куйлайман,
Қўлимда олтин созим,
Қўшиқ айтсам завқ билан,
Жаранглайди овозим,
Жақида ҳақида ҳаққа,
Бақида ҳақида ҳаққа.

Гул ўсар ўнг-сўлимда,
Бахт порлайди йўлимда,
Энди ўзбек халқининг
Тақдири ўз қўлида,
Жақида ҳақида ҳаққа,
Бақида ҳақида ҳаққа.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

❖ Қатра

СОҒИНЧ

Қалб энтикади. Дил тўрида беғуборлик. Вужудимда баҳорий тетиклик.

Сени соғиндик!

Борлиқ ўзгаришда, уйғонишда, ёшариш, янгиланиш, яшнаш... Она табиатда минг хил карашма. Минг турфа ишва. Минг бир ноз... Замин гўё «сеп» очаётгандек. Дов-дарахтлар новдалари куртак очиш арафасида. Яшиллик қулф уришга чоғланаётгандек. Иссиқ ҳудудларда бодом гулга кирди.

Ҳазрати деҳқон — ер эгаси юрагида ҳаяжон. Кўнгли она тупроқ билан сирлашмоқ истайди. Бободеҳқон бир қисим тупроқни қўлига олиб эзғилади, ҳидлаб кўрди. Юрак-бағри бокира ҳис-туйғуларга чўлғанди. Даласига боқди. Хамирдек кўпчиб турган шу заминда осмонўпар пахта тоғлари, сабзавоту полиз, меваچевалар барпо этилишини, она Ер саховатини ўйлаб ғурурланиб қўйди, севинди. Замин билан деҳқон мулоқотини оқ қоғозга тушириш қийин. Чунки улар сўзсиз, жимгина тиллашадилар...

Дала эгаси бугун уруғ саралаяпти. Уруғи-ку, тайёр. Аммо, экишга ошиқади, экишга маҳтал. Ҳа-ҳа, у кутган, интизор бўлган лаҳзалар яқинлашаяпти. Ариқларда тўлиб-тошиб, ўйноқлаб оқаётган сув вужудларга жон бахш бўлиб таралади. Яқин қолди: сайроқи қушлар, қалдирғочлар уйларни мўралаб учишади. Болажонлар бойчечак ахтаришади, жағ-жағ, ялпизу кўкатлар теришади. Ялпизнинг хушбўй саси борлиққа уфураётгандек. Бойчечак, ялпиз, бинафша, толпопук, чучмомалар қўлдан-қўлга ўтади, кўзларга суртилади.

Қизлар қошига берилиб ўсма тортади. Билакдай тўлғонган, селкиллаган сочларнинг ҳар ўримида толпопук.

Сени соғиндик, беғуборлик фасли, гулчечаклар фасли! Сенинг нафасингни туйиб турибмиз гўзал Баҳорой!

Ҳар бир юрак, ҳар бир қалбда энтикиш...

Собир ДАДАХЎЖАЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda